

МИФОЛОГИК АРХЕТИП АРХАИК ТАФАККУР РЕЛИКТИ

Г. К. Кдырбаева

Нукус давлат педагогика институти, фалсафа доктори (Ph.D.), доцент

АННОТАЦИЯ

Охириги пайтларда илм-фанда интегратив ёндашув тамойиллари асосидги илм-фан соҳаларининг кесишмасидаги тадқиқотларни кўп учратмоқдамиз, жумладан миф ёки мифологияни ҳар хил ракурслардан ўрганишга бўлган қизиқиш ҳам кескин ўсмоқда. Айнан шу жиҳатлар наздида тилшунослик ва адабиётшунослик (когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, мифология) билан боғлиқ соҳаларда янги тушунчалар, уларни қўллаш ва уларнинг синонимик тушунчаларини фарқлаш муаммосига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, шулар қаторида биз мазкур ишимизда «архетип» ва «мифологема» тушунчаларига алоҳида тўхталиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришни мақсад қилиб қуйганмиз.

Калит сўзлар: миф, мифология, архетип, архаик тафаккур, фолклор, эртак.

Бу муаммонинг долзарблиги миф яратиш жараёни, мифологик сюжетлар, мотивлар, мавзулар, мифологик қаҳрамонларнинг бадиий асарларга кириб бориши билан белгиланади ва мифлаштириш ҳақида гап кетганда архетиплаштириш тушунчасини ҳам ўрганиш ўринли бўлади.

Юқорида қайд этганимиздек, бу тушунчаларга бўлган қизиқиш, бошқа соҳаларда ҳам вужудга келган: психология, тилшунослик, антропология, фолклор, фалсафа. Зеро ҳар бир этник гуруҳнинг доимий қадриятларини, ўзгармас тузилмаларини, психологик прототипларини излаш, аниқлаш ва таҳлил қилиш, бу константалар воқелигидан олинган чексиз сонли абстракцияларининг туркумланиши ва тартибланишига ёрдам беради.

Ҳозирги кунда, мифологема ва архетип тушунчаларининг аниқ ишлаб чиқилган назарияси мавжуд эмас. Аммо, Ю.Л. Шишова томонидан “К определению понятия мифологема” номли мақоласида мавжуд барча тушунчаларни тизимлаштиришга уринишлар олиб борилган [Шишова 2000: 142].

Ю.Л. Шишова мазкур мақоласида “архетип” ва “мифологема” тушунчалари билан ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор назариялар ва синонимик тушунчаларни келтиради.

Яъний архетип тушунчаси, К. Юнгнинг назариясида аналитик психология билан боғлиқ деб келтирилган бўлса, Л. Леви-Брюл назариясида архетип антропологиядаги жамоавий тасвирлар деб берилди, К. Леви-Стросс назариясида архетип структур антропологияда миф “арматура”сидаги таркибий элемент, А.Н. Веселовскийнинг назариясида мотив, В.Я Пропп томонидан эса эртакнинг бир вазифаси сифатида келтирилади, ва Е.М. Мелетинский архетипни адабиёт ва фолклордаги бадиий-мифологик сюжет деб таъриф беради [Шишова 2002: 11—12]. Ваҳоланки, муаллиф архетип ва мифологема тушунчаларини муайян ажратади, К.Юнг назарияси асосланиб, архетипни психологик ролли образлар майдонига киритса, мифологема тушунчасини ижтимоий хусусиятга эга прототипли субъект-объект ва субъектлараро вазиятлар билан боғлайди [Шишова 2000: 146-147].

Мазкур ишимизда “архетип” тушунчасига таъриф беришда, аввало, К.Юнг, Е.М. Мелетинский, В.Я. Проппа, В.Н. Топорова, В.В. Ивановаларнинг қарашларига асосланган ҳолда олиб борамиз.

Ушбу сўзнинг этимологиясига (лот. archetypon “асл тип”) асосланиб, архетипнинг асосий хусусияти вазиятнинг мавхумланиш даражаси ҳисобланади, чунончи архетип намуна сифатида психиканинг моделин яратади. К.Юнгнинг фикрига кўра, архетиплар динамик, ҳаракатчан аклий шакллар бўлиб, улар бирламчи схемалар, асл туғма тузилмалар, бошланғич тасаввур фаолиятини шакллантиради. Архетиплар - узоқ давом этган биологик эволюция натижасида шаклланган жамоавий онгсиз тасаввурлар шаклидир. Коллектив онгсизлик эса қадимги билимларни матрицалар ёрдамида узатадиган каналдир.

Инсон онгида архетиплар доимий тарзда шаклланиб боради, улар инсоннинг кундалик ҳаёт-тарзида, маданият, тарих, адабиётида (одатлар, тушлар, урф-одатлар, афсоналар, дин, бадиий асарлар) ўз аксини топади.

Зеро архетипик образларнинг илк тасвирланиши мифологияда қайд этилган. К.Юнг таъкидлашича, “...мифлар, энг аввало, руҳнинг энг чуқур моҳиятини ифодаловчи психик ҳодисалардир. Ибтидоий одам атроф муҳитни объектив идрок этишга мойил эмас. Аксинча унда қалбидаги барча ташқи тажрибани руҳий ҳолатларига мослаштириш учун чексиз интилиши пайдо бўлади. Одам қуёшнинг чиқиши ва ботишини кўришнинг ўзига кифоя қилмай, ташқи олам кўзатувларига руҳий ҳодисаларни боғлашга ҳаракат қилади [Юнг 1991: 99—100]. Мюллернинг сўзларига кўра, ибтидоий одам ҳаётини кундалик иборалар негизида воқеланадиган ибораларнинг метафорик моҳиятин тушунган ҳолда, кейинчалик негадир уни унутиб, индивидуал ҳодиса ва нарсаларни Худо деб ҳисоблай

бошлаган деб таъкидланади. Дастлаб мажозий маънога эга бўлган иборалар кейинчалик мустақил маънога айланган [https://studme.org/1529052715782/religiovedenie/mifologicheskaya_kontsepsiya_myuller], масалан, ибтидоий одам “қуёш”ни ўзининг кўзатувлари асос Худо деб тан олса, кейинчалик уни куйидаги маъноларда ҳам идрок эта бошлаган: *қуёш-навигатор, қуёш-вақт, қуёш-бахт, қуёш-мавқе, қуёш-марказ*.

Шу ерда биз “архетип” тушунчаси ҳақида берилган бошқа тадқиқотчиларнинг ишларига қисқа тўхталиб ўтмоқчимиз:

А.К. Косарев: « <...> ... шахсий онгсизлик ва космик онгни мантиқий фикрлаш даражасига боғлайди» [Косарев 2000: 129];

К. Юнг: «... фикрни онгли равишда ва ибтидоий ифодалаш усуллари орасидаги кўприк вазифасин бажариб, у асосан ҳиссиёт ва ҳис-туйғуларга бевосита таъсир қилади ва «тарихий» ассоциациялар билан ўзаро боғланади, рационал дунё ва ибтидоий дунёни инстинктив тушуниш воситаси ҳисобланади» [Юнг 1997: 42];

Е.М. Мелетинский: « ... бадий мифологик сюжетнинг категориял ҳолати». Мифологик мотив Е.М. Мелетинский таърифига кўра «маълум бир актантик структурага эга бўлган муайян бир микроплот» [Мелетинский 1994: 86].

В.Марков: «... жамоавий онгсиз-маданий хотира» [Марков 1990: 87].

«Архетип» тушунчасига берилган таърифларни умумлаштирган ҳолда айтишимиз мумкин: матнлар таҳлили давомида архетипларни кўп учратиш мумкин, улар окказионал равишда дуч келмайди. Чунончи, улар жамоанинг объектив, тарихий, бадий, праксеологик хотираси даражасида онгсиз равишда шаклланади, ва авторлар уларни сайқаллаб инсониятнинг олтин тажрибалари билан қориштириб инсонларга қайтаради. Жумладан, қорақалпоқ адабиётининг забардаст ёзувчиси Т.Қайпбергеновнинг «Маманбий эпсанасы» асарида «*Кумар аналық*» образи келтирилади, мазкур образ автор томонидан яратилган ва у қорақалпоқ халқининг оналари тимсоли сифатида таърифланган. Ваҳоланки, қадимги туркий халқларга бирдек яқин мифларда «*Уммай она*» образи «*она ва болаларнинг химоячиси*» ёки «*Аёл Худоси*» маъноларида қўлланилиб келган. *Уммай она* меҳр-шафқат эталони сифатида туркий халқларнинг когнитив онг базасин шакллантирган. Шу ўринда айтиш керакки, Т.Қайпбергенов, В. Марков таъкидлаганидек халқнинг объектив, тарихий, бадий, онгсиз хотирасига таянган ҳолда *Уммай она* ҳақидаги маълумотлар базасин сайқаллаб «*Кумар аналық*» образин яратади ва «она» архетипин қорақалпоқ халқига қайта тақдим этган. «Она» архетипининг «*Уммай она*» антропомифоними миф, афсона ва эртақлардаги

трансформацияга учрайди ва «Хумо қуши» мифологемаси ёрдамида воқелантирилади. Чунончи «Уммай» туркий халқларда энг асосий маъбуда сифатида тан олинган, ва унинг исми “оққуш” маъносини ҳам англаган. У қуш қиёфасида осмонда учиши, қуруқликда юриши ва сув устида сўзган деб берилади. «Умай»нинг оққуш образи сифатида воқеланиши ўзбек мифологиясида *Хумо қуши*, қорақалпоқ мифологиясида *Хумай қус* архетиплари ёрдамида гавдалантирилади.

Тадқиқ қилинаётган «архетип» тушунчасига илм-фан соҳаларида ҳар хил таъриф берилган. Масалан, «архетип» фолклоршунослик ва адабиётшунослик фанларида сюжет ва мотивларнинг инварианти деб тадқиқ қилинса, психологияда «архетип» тушунчаси жамоавий онгсизликнинг структур элементи сифатида ўрганилади, зоологияда эса организмларнинг прототиби, санъатда бадий асар оригинали каби мазмунларда қўлланилади. Ҳар бир берилган таърифнинг негизини олиб қарайдиган бўлсак деярли ҳаммасида архетипнинг предикативлик алоқалари яққол кўринади.

Леви-Стросснинг структур антропология назарияси асосида В.В. Иванова ва В.Н. Топоровлар қадимги мифологияни реконструкция қилиш ва бадий асарлардаги мифологик схемаларни қайта тиклашга бағишланган амалий характердаги тадқиқот олиб борган, ва мазкур тадқиқот мифлардаги инвариант ядро (марказ)ни тушуниш ва билишга ёрдам берган [Топоров, Иванов 1975: 43]. Одатда мифларни реконструкция қилганда ядро (марказ) сифатида бинар оппозициялар тадқиқ қилинади, уларнинг иерархияси шакллантирилади, универсал оппозициялари аниқланади, ўз навбатида улар оламнинг мифологик моделин яратишга хизмат қилади. Мифологик таъриф диахроник тарзда ўзгариши мумкин, аммо «бу турдаги барча матнлар асосидаги синхрон схема» доимийдир [Ўша манба: 44].

Н.К.Сабированинг «Хоразм “ошиқ” туркум дostonлари сюжети: етакчи мотивлари ва образлар тизимининг мифологик асослари» номли диссертациясида туркий халқлари мифологиясидаги “парӣ” образи талқин қилинади. Тасвирланган “парӣ” образи ўзининг халқ эртаклари ҳамда афсоналаридаги мифологик табиатини йўқотган ҳамда кўпроқ реал инсонга хос хусусиятлари бўртиб кўринадиган эпик персонажга айланган деб хулоса қиладилар[Сабирова 2004:186]. Ваҳоланки, тадқиқотчининг “парӣ” образи ҳақида берилган хулосаси К.Юнг, Е.М. Мелетинский, В.Я. Проппа, В.Н. Топорова, В.В. Ивановаларнинг томонидан айтилган фикрларга қисман тўғри келади. Яъний, архетип бадий асарлардаги мифологик схемаларни қайта тикланишига ўз

хиссасин қўшадиган инвариант ядро (марказ)нинг иерархик шаклланиши ҳисобланади ва мазкур тадқиқотдаги “пир” образи “қиз” архетипин бадиий матнларда синхрон схема асосида шакллантириб, оламнинг мифологик моделин яратишга хизмат қилади.

Мазкур ишимизда биз «архетип» тушунчасин асосий ўзгармас когнитив ҳолат сифатида таърифлаймиз. Яъний, архетип тиллараро кодлар ёрдамида очиб берилади ва у ўзгармас ҳолда интерматн алоқаларин мустаҳкамлайди. Жумладан, Шекспирнинг “Отелло” асаридаги салбий бош қахрамонлардан бири Яго (Iago)га исм беришда Шекспир мифологик архетип “Пир” Santiagonинг образлик хусусиятлардан илҳомланиб, унинг қисқартилган исмин Ягога беради. Бунда ҳам мажозий маъно бор десак адашмаймиз, чунки Сантьяго испан маданияти ва мифологиясидаги бинар оппозиция “қора” ва “оқ”ларнинг уруш қатнашчилари сифатида бадиий реконструкцияга учраган. Яъний, Сантьяго “қора кучлар билан кўрашувчи пир” сифатида испан халқининг олам мифологик моделига киради. Бу каби воқеликни тушуниш учун тингловчи испан маданияти, дин, ва асосан трагедия матни билан таниш бўлганида архетип “пир” ёки Яго табиятин тушуниши осон кечади.

“I hate the Moor,

And it is thought abroad, that ‘twixt my sheets
‘Has done my office. I know not if ‘t be true,
But I, for mere suspicion in that kind,
Will do as if for surety.”

[Shakespeare “Othello: the More of Venice”act 1, scene 3
<https://www.shakespeare.org.uk/explore-shakespeare/shakespeadia/shakespeares-plays/othello-moor-venice/>]

Келтирилган мисол, таъриф ва таҳлилларни умумлаштириб, мифологик архетип архаик тафаккур реликти сифатида мифнинг асосий мазмунин ёритиб беради, ва мифологемалар эмплицит маънони акс эттиради.

Архетиплар ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, олам моделин шакллантиришда бебаҳо ҳисобланади. Бадиий архетип синхроник хусусиятга эга, ва шу қаторда мифологик архетип унинг кўпқирралиги ва кўпқатламлигин ҳисобга олган ҳолда диахроник хусусиятга эга бўлади. Ваҳоланки мифологик архетип ўтмиш ҳақида маълумот бергани билан, ушбу маълумотларнинг келажак ва ҳозирги кундаги ижтимоий аҳамиятин тушуниш курали сифатида мифологик архетип синхроник хусусиятга ҳам эга бўлади.

REFERENCES

1. Иванов В.В. Инвариант и трансформация в мифологических и фольклорных текстах/В.В.Иванов, В.Н. Топоров//Типологические исследования по фольклору (Сборник статей памяти В.Я.Проппа). М.: Наука, 1975. 320 с. С. 44-76
2. Косарев А.Ф. Философия мифа. Мифология и ее эвристическая значимость. - М. - СПб, 2000. 144 с.
3. Марков В.А. Литература и миф: проблема архетипов//Тыняновский сб. Рига, 1990. С. 133.
4. Мелетинский Е.М. О литературных архетипах. М.: Изд-во РГГУ, 1994, 134 с.
5. Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. СПб.: Изд-во СПб. унта, 1996. 364 с.
6. Сабирова Н.К. Хоразм «ошиқ» туркум достонлари сюжети: етакчи мотивлари ва образлар тизимининг мифологик асослари. Дисс.ф.ф.ф.д. 2004. – 135 б.
7. Леви-Строс К. Структурная антропология / К. Леви-Строс / пер. с фр. Вяч. Вс. Иванова. М.: Изд-во ЭКСМО-Пресс, 2001. 512 с
8. Шишова Ю. Л. Лингвистическая объективация мифологемы пути в современной англоязычной литературе: автореф. дисс. ... к. филол. н. СПб., 2002. 14 с.
9. Шишова Ю.Л. К определению понятия мифологемы // Современные проблемы теории языка: сб. ст./ Под ред. И. Б. Руберт, Ю.А. Ивановой. СПб.: РГПУ им. А. И. Герцена, 2000. 154 с.
10. Юнг К.Г. Душа и миф. Шесть архетипов. М. К.: Совершенство, 1997. -363 с.
11. https://studme.org/1529052715782/religiovedenie/mifologicheskaya_kontseptsiya_myuller
12. Shakespeare “Othello: the Moor of Venice” act 1, scene 3 [муражаат қилинди 10.11.2022 <https://www.shakespeare.org.uk/explore-shakespeare/shakespedia/shakespeares-plays/othello-moor-venice/>]
13. Кдырбаева , Г. К., & Бабаджанова , Н. Х. (2022). Соляр мифологиянинг рудиментлари га синхроник ёндошув. *Academic Research in Educational Sciences*, 3(6), 938–947.